

УДК:616.831-005.8:616.12-008.331.1

THE PATHOGENETIC IMPORTANCE OF SLEEP DISORDERS DURING THE EARLY RECOVERY PERIOD OF ISCHEMIC STROKE

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18210921>

Salomova Nilufar Kakhorovna

e-mail: nurullosayfullaev4@gmail.com

<https://orcid.org/0009-0001-2060-9142>

Nusratov Rustam Ghafurovich

nusratov736@gmail.com

<https://orcid.org/0009-0004-6036-0777>

Resume

sleep disorders in the early recovery period after ischemic stroke have a significant impact on the neurofunctional recovery process of patients. The derailment of the sleep-wake rhythm is associated with a slowdown in neuroplastic processes, decreased cognitive function, and impaired emotional stability. In the pathogenesis of sleep disorders, an important place is occupied by dysfunction of the regulatory structures of the central nervous system, hyperactivation of the stress system, the influence of hormonal and inflammatory factors. This article will analyze the pathogenetic significance of sleep disorders during the early recovery period of ischemic stroke from the point of view of neurophysiological and clinical-laboratory mechanisms and highlight the importance of their early detection and pathogenetic assessment.

Keywords

ischemic stroke, early recovery period, sleep disorders, insomnia, pathogenesis, neuroplasticity.

ПАТОГЕНЕТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ НАРУШЕНИЙ СНА В РАННЕМ ВОССТАНОВИТЕЛЬНОМ ПЕРИОДЕ ИШЕМИЧЕСКОГО ИНСУЛЬТА

Резюме

Ишемик инсультдан кейинги эрта тикланиш даврида уйку бузилишлари беморларнинг нейрофункционал тикланиш жараёнига сезиларли таъсир кўрсатади. Уйку-уйғоқлик ритмининг издан чиқиши нейропластик жараёнларнинг сустлашуви, когнитив функцияларнинг пасайиши ва

эмоционал барқарорликнинг бузилиши билан боғлиқ. Уйку бузилишларининг патогенезида марказий нерв тизимининг регулятор тузилмалари дисфункцияси, стресс тизимининг гиперфаоллашуви, гормонал ва яллиғланиш омилларининг таъсири муҳим ўрин тутди. Мазкур мақолада ишемик инсультнинг эрта тикланиш даврида уйку бузилишларининг патогенетик аҳамияти нейрофизиологик ва клиник-лаборатор механизмлар нуктаи назаридан таҳлил қилинади ҳамда уларни эрта аниқлаш ва патогенетик баҳолашнинг аҳамияти ёритилади.

Калит сўзлар

Ишемик инсульт, эрта тикланиш даври, уйку бузилишлари, инсомния, патогенез, нейропластика.

Кириш: Ишемик инсульт замонавий тиббиётда юқори ногиронлик ва ўлим кўрсаткичлари билан кечувчи невровакуляр патологиялардан бири ҳисобланади. Инсультдан кейинги эрта тикланиш даври беморнинг кейинги функционал натижаларини белгилаб берувчи муҳим босқич бўлиб, ушбу даврда кузатиладиган уйку бузилишлари реабилитация жараёнига салбий таъсир кўрсатади. Клиник кузатувларга кўра, ишемик инсультдан кейин беморларнинг салмоқли қисмида инсомния, фрагментланган уйку, эрта уйғониш ва кундузги уйкучанлик каби ҳолатлар аниқланади.

Уйку-уйғоклик ритмининг бузилиши марказий нерв тизимидаги регулятор механизмларнинг издан чиқиши билан боғлиқ бўлиб, нейропластик жараёнларнинг сусайишига, когнитив функцияларнинг пасайишига ва эмоционал лабилликнинг кучайишига олиб келади. Шу боис, ишемик инсультнинг эрта тикланиш даврида уйку бузилишларининг патогенетик аҳамиятини чуқур ўрганиш долзарб илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Уйку бузилишларининг нейрофизиологик механизмлари

Уйку архитектурасининг шаклланишида гипоталамус, таламус, ретикуляр формация ва миёя пояси тузилмалари асосий ўрин тутди. Ишемик шикастланиш натижасида ушбу тузилмалар ўртасидаги функционал алоқаларнинг бузилиши уйку-уйғоклик цикллариининг издан чиқишига сабаб бўлади. Электроэнцефалографик тадқиқотларда инсультдан кейинги беморларда альфа-ритмнинг дезорганизацияси, секин тўлқинли фаолликнинг ошиши ва уйку веретеналарининг камайиши кузатилади.

Ушбу нейрофизиологик ўзгаришлар чуқур уйку фазаларининг қисқариши ва REM уйку улушининг камайиши билан намоён бўлиб, хотира

консолидацияси ва нейронлараро қайта ташкилланиш жараёнларини чеклайди. Натижада, нейропластик потенциал пасайиб, функционал тикланиш суръати секинлашади.

Стресс-гормонал ва яллиғланиш омилларининг роли

Ишемик инсультдан кейин гипоталамус–гипофиз–бўйрак (НРА) стресс тизимининг гиперфаоллашуви кузатилиб, кортизол секрециясининг ошишига олиб келади. Кортизолнинг юқори даражаси уйқу инициацияси ва уни сақлаб туриш механизмларига салбий таъсир кўрсатиб, инсомния ривожланишини кучайтиради. Шу билан бирга, мелатонин секрециясининг пасайиши циркадиан ритмларнинг издан чиқишига сабаб бўлади.

Яллиғланиш медиаторлари, жумладан интерлейкин-1 β ва интерлейкин-6 даражасининг ошиши ҳам уйқу архитектурасига таъсир этувчи муҳим патогенетик омил ҳисобланади. Ушбу цитокинлар марказий нерв тизимида нейровоспаление жараёнларини кўзгатиб, ишемик шикастланиш оқибатларини чуқурлаштиради ҳамда уйқу бузилишларининг давомийлигини оширади.

Уйқу бузилишларининг клиник аҳамияти

Эрта тикланиш даврида уйқу бузилишлари мавжуд беморларда когнитив функцияларнинг тикланиши секинлашади, диққат ва хотира бузилишлари сақланиб қолади. Бундан ташқари, депрессия ва хавотирли ҳолатлар частотаси ошади, бу эса реабилитация жараёнига бўлган мотивацияни пасайтиради. Клиник жиҳатдан уйқу бузилишлари функционал мустақиллик даражасининг пастлиги ва ҳаёт сифати кўрсаткичларининг ёмонлашуви билан боғлиқ.

Уйқу бузилишларини ўз вақтида аниқламаслик ва коррекция қилмаслик ишемик инсультдан кейинги асоратларнинг чуқурлашувига ҳамда узок муддатли прогнознинг ёмонлашувига олиб келиши мумкин.

Хулоса: Ишемик инсультнинг эрта тикланиш даврида уйқу бузилишлари муҳим патогенетик омил бўлиб, нейрофизиологик, гормонал ва яллиғланиш механизмлари орқали нейрофункционал тикланиш жараёнига салбий таъсир кўрсатади. Уйқу–уйғоқлик ритмининг бузилиши нейропластик жараёнларни чеклаб, когнитив ва эмоционал бузилишларни кучайтиради. Шу боис, уйқу бузилишларини эрта аниқлаш ва патогенетик жиҳатдан баҳолаш ишемик инсультдан кейинги комплекс реабилитация дастурларининг ажралмас қисми бўлиши лозим.

BIBLIOGRAPHY:

1. Ajermacheva M. N., Alifirova V. M., Plotnikov D. M., Aliev O. I., Solovsov M. A., Burkova K. I., Plotnikov M. B., Pokazateli endotelialnoy dysfuntsii i rheologicheskie svoystva krovi v Ostrom periode ishemicheskogo insulta // Annali klinicheskoy I experimentalnoy neurologii. - 2016. - T. 10, № 1. - 14-19 b.
2. Azin A.L., Yakimova M.E., Kublanov B.S. Ultrazvukovoy analiz I vozmojnost elektroimpulsnoy korrektsii izmeneniy v serdechno-sosudistoy sisteme u lis s oskorennim starenim//Vestnik Uralskoy medisinskoy akademicheskoy nauki. - 2012. - № 3 (40). - 48-49 b.
3. Aleksandrov S. G.Functionalnaya asymmetry I mezhpolusharnie vzaimodeystviya golovnogogo mozga: Uchebnoe posobie dlya studentov / / S. G. Alexandrov; GBOU VPO" IGMU " Minzdrava Rossii, departmental normalnoy fiziologii - Irkutsk: IGMU.2014.- 62 b.
4. Alekyan B. G., Abugov S. A., Andreev D. A., Buryachkovskaya L. I., Vavilova T. V., Vershinina M. G., Vorobeva N. A., Ivanova G. E., Lomakin N. V., Meshkova K. S., Pokrovsky A. V., Stakhovskaya L. V., Sichev D. A., Rol testirovaniya funkcionalnoy aktivnosti trombositov v prophylactike serdechno-sosudistix oslozhneniy U bolnix, poluchayutshix antithrombositarnuyu terapiyu // Rationalnaya pharmacotherapy v cardiologii. - 2014. - T. 10, № 6. - 679-687 PP.
5. Asrorov A. A., Aminjonová Ch. A. Otsenka sostoyaniya kognitivnix narusheniy u pasientov perenesshix stroke V praktike semeynogo vracha //Central asiap Journal of medical and natural ssiepses. - 2021. - 397-401 b.
6. Anaskaya L.H. Osobennosti ishemicheskogo insulta U lyudey pojilogo vozrasta / / medisinskie Novosti. - 2011. - №1. 10-12 b.
7. Alikulova N.A., Features of clinical neurological and hemodynamic disorders in men and women in the aspect of brain functional asymmetry of post-stroke syndromes // 2022. Dissertation. 13-14 b.
8. Aronov D. M., Kaskad terapeuticheskix effektov statinov / / Cardiology. - 2004. - T. 44, № 10. - 85-94 b.
9. Ayrapetov K.B, Aculenoc E.A., Golovanova E.D frequency vstrechaemosti, stratification riska, techenie I medikamentoznoe lechenie arter alnoy hipertenzii U jentshin v postmenopauzalnom periode// Ssiepses of Eigorep № 60.(2020).- 9-10 b.
10. Baranova O. A., Chekanov A. V., Karneev A. N., Mironova O. P., Myachin I. V., Panasenko O. M., Soloveva E. Yu., Fedin A. I., Poisk novix markerov

okislitel'nogo stressa pri ishemii mozga dlya optimizatsii terapeuticheskikh podhodov / / Journal neurologii I psichiatrii im. S.S. Korsakova. - 2011. - T. 111, № 12. - 25-31 b.

11. Barkagan Z. S., Momot A. P., Diagnostic I kontroliruemaya therapy narusheniya hemostaze / / m: Newdiamed. - 2001. - 286 -287 b.

12. Belopasova A. V., Kadikov A. S., Pryanikov I. V., Pryanikova N. I., Analysis structure I dinamiki rechevix function V techenie pervogo goda posle ishemicheskogo insulta / / fizicheskaya i reabilitatsionnaya medisina, medisinskaya rehabilitation. - 2019. - T. 2, № 2 (2). - 19-23 b.

13. Bogolepova A.N., Vedenie komorbidnogo pasienta s tserebrovaskulyarnoy patologiei na fone arterialnoy hipertonii I saxarnogo diabeta // nervnie bolezni. - 2018. - № 4. - 15-20 b.

14. Voznyuk I.A. Tserebralnaya hemodynamics u lis s nachalnymi proyavleniyami nedostatochnosti krovosnabzheniya mozga: Autoreferat dis. ... kand. med. nauk / I.A. Voznyuk. - Spb., 1994. - 34 b.